

КРЕДИТ ШАРТНОМА № _____

(Очиқ линияли миллий/хорижий валюта)

Мазкур шартномада қуйидаги тушунча ва тавсифлардан фойдаланилади:

1. **Шартнома** – очиқ кредит линиясини очиш ҳақидаги кредит шартномаси. Банк шартномада кўзда тутилган миқдор ва шартларда тадбиркорлик субъектига пул маблағларини (кредитни) тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳамда тадбиркорлик субъекти берилган кредитни қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олган шартнома.
2. **Кредит** – шартномага мувофиқ кредитор томонидан қарз олувчига тақдим этиладиган пул маблағлари.
3. **Кредитор**– шартномага мувофиқ кредит тақдим этаётган банк.
4. **Қарз олувчи** – шартнома тузган тадбиркорлик субъекти.
5. **Тараф ёки тарафлар** – шартномага мувофиқ банк (кредитор) ва қарз олувчи.
6. **Ҳисобварағи** – кредитор томонидан кредитлаш амалга ошириладиган қарз олувчининг банкдаги ссуда ҳисобварағи.
7. **Махфий ахборот** – шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар.

| № | Предмет/бўлим | Шартнома қондаси/зарур маълумот |
|-----------|--|--|
| 1. | ШАРТНОМА РЕКВИЗИТЛАРИ | |
| 1.1. | Шартнома имзоланган жой ва сана | Шартнома имзоланган жой: _____ сана _____ |
| 2. | МУҚАДДИМА | |
| 2.1. | Тарафлар ҳақида маълумотлар Кредитор | Банкнинг тўлиқ номи _____ Лицензия (рақами ва санаси) _____ кунги № _____ Таъсис ҳужжатларига мувофиқ жойлашган жойи _____ Банк номидан иш аколлатига эга бўлган шахс (ФИШ, лавозими) _____ Ваколат берувчи ҳужжат (низом, ишончнома, сана ва рақами) _____ Алоқа учун телефон: _____ |
| 2.2. | Тарафлар ҳақида маълумотлар Қарз олувчи Юридик шахс ташкил этмаган холда фаолият юритувчи тадбиркор/юрди к шахс | Юридик шахс ёки хусусий тадбиркор номи _____ Давлат рўйхатидан ўтиш санаси “ ____ ” _____ 20 ____ йил СТИР _____ х/р _____ Қарз олувчи номидан иш кўриш ваколатига эга бўлган шахс лавозими _____ ФИШ _____ Ваколат берувчи ҳужжат (устав, низом, ишончнома, сана ва рақам). _____ |
| 3. | ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ | |

| | | |
|------|--|--|
| 3.1. | Шартнома предмети Кредит суммаси | Кредитор (рақам ва сўз билан) хорижий/миллий валютада миқдордаги пул маблағлари ажратишни ўз зиммасига олади ва қарз олувчи олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади |
| 3.2. | Кредитлаш тамойиллари: | Кредит қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида бериледи. |
| 3.3. | Кредит маблағи манбаси | Банкнинг ўз маблағлари/хорижий линия маблағлари(линия номи ёзилади) ҳисобидан |
| 3.4. | Кредит мақсади | Кредит шартномасига асосан ажратилган кредит маблағларини қарз олувчи томонидан қуйидаги мақсадларда фойдаланади: {мақсадлар ёзилади}. _____ _____ _____; |
| 3.5. | Кредитни ажратиш усули ва санаси | Кредитни ажратиш кредитор томонидан қарз олувчи тақдим қилган шартномада (хизмат кўрсатиш, олди-сотди, етказиб бериш ва ҳ.к.) Кўрсатилган ҳисобварақга ўтказиб бериш орқали амалга оширилади. Бунда шартномада кўрсатилган барча шартларга ва кредитни қайтаришни таъминлаш мақсадида тузилган бошқа барча шартномаларга риоя этилади. Кредитни ажратиш санаси кредит суммасини қарз олувчи томонидан тақдим қилинган шартномада (хизмат кўрсатиш, олди-сотди, етказиб бериш ва ҳ.к.) Кўрсатилган ҳисобварақига ўтказиб бериш санаси бўлиб ҳисобланади. Қарз олувчида кредит маблағларига эҳтиёж пайдо бўлганда очилган линия лимитига мос миқдорда кредитдан фойдаланади. |
| 3.6. | Кредитни тақдим этиш муддати | Кредитор шартнома имзоланганидан 60 календар куни давомида кредитни ажратишни ўз зиммасига олади. Кўрсатилган ажратиш муддати ўтганидан сўнг қарз олувчининг кредитни олиш ҳуқуқи ва кредиторнинг уни ажратишга оид мажбурияти шартномага мувофиқ тугатилади. |
| 3.7. | Кредитдан фойдаланиш мумкин бўлмаган мақсадлар | Қарз олувчи кредитор томонидан тақдим этилган кредитни қуйидаги мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади: а) Қарз олувчининг муддати ўтган мажбуриятларини бевосита ёки билвосита (шу жумладан учинчи шахслар орқали) тўлаш, б) Учинчи шахсларга қарзларни тақдим этиш (нобанк молия-кредит ташкилотлари бундан мустасно) ва учинчи шахсларнинг қарзларини тўлаш; с) Қиморхоналар ташкил этиш; д) Амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк кредит сиёсатига асосан тақиқланган бошқа барча мақсадларга. |
| 3.8. | Кредит бўйича таъминот | Қарз олувчи ва/ёки учинчи шахслар кредит бўйича қуйидаги таъминотларни тақдим этади {кераксизи истисно қилинсин}: |

| | | |
|-----------|--|---|
| | | <p>a) Қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун {гаров предмети ҳисобланган кўчар мол-мулк} гаровга қўйиш тўғрисида гаров шартномасини тузиш;</p> <p>b) Қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун {ипотека предмети ҳисобланган кўчмас мулк} гаровга қўйиш тўғрисида гаров шартномасини тузиш;</p> <p>c) {кафил/кафиллар} билан қарз олувчининг кредитор олдидаги шартнома юзасидан мажбуриятларини бажариш бўйича кафиллик шартномасини расмийлаштириш ва имзолаш.</p> |
| 4. | ТАСДИҚЛАШ ВА КАФОЛАТЛАР БЕРИШ | |
| 4.1. | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи | Қарз олувчи юридик шахс–тадбиркорлик субъекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган/рўйхатдан ўтказилган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий лаёқатга эга. |
| 4.2. | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи | Қарз олувчи кредиторга ариза, қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа, қарз олувчининг тақдим қилган тегишли давлат солиқ инспекциясига охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно; кредит таъминоти турларига оид ва зарур бошқа ҳужжатларни тақдим этди. Қарз олувчи тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги ва ҳужжатларнинг нусхалари аслига тўғрилигини кафолатлайди. |
| 4.3. | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи | Қарз олувчи мазкур шартнома тузилаётган санага қадар бўлган ва кредитор томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига таъсир кўрсатувчи мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни кредиторга тақдим этди. |
| 4.4. | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи | Қарз олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имконини бермайдиган ва кредиторга маълум қилмаган суд ишларида даъвогар, жавобгар ёки учинчи шахс сифатида иштирок этмайди. |
| 4.5. | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи | Шартнома тузаётган қарз олувчи хато фикрлар, ёлғон, зўравонлик, таҳдидлар, ёмон ниятли келишув ёки оғир ҳолатларга тўғри келиб қолиши таъсирида эмас. |
| 4.6. | Тасдиқлаш ва кафолатлар бериш Қарз олувчи | Тасдиқлаш ва кафолатлар беришга қарз олувчи тўлиқ ҳажмда амал қилиши лозим. Шартномада кўзда тутилган тасдиқлаш ва кафолатлар беришга амал қилинмаган ёки лозим даражада амал қилинмаган тақдирда кредитор қарз олувчига кредит тақдим этишдан бош тортишга ҳақли. |

| | | |
|-----------|---|--|
| 5. | КРЕДИТНИ ТЎЛАШ (ҚАЙТАРИШ) | |
| 5.1. | Кредитни қайтариш муддати | Қарз олувчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиб олинган кредит {сана} гача қайтарилиши лозим. |
| 5.2. | Кредит учун белгиланган имтиёзли давр | Кредит асосий тани бўйича имтиёзли давр __ ойни ташкил қилади. |
| 5.3. | Кредитни қайтариш валютаси | Қарз олувчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ ажратилган кредит асосий қисми {валюта тури} да қайтарилиши лозим. |
| 5.4. | Кредитни тўлаш жадвали | Шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчи томонидан олинган кредит у томонидан шартномага илова тариқасида белгиланган (кредитни тани ва фоизларни тўлаш жадвали) тўлов жадвалига мувофиқ қайтарилиши лозим. Кредитни тўлаш ва фоизларни тўлаш жадвали шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, шартнома билан бир вақтда имзоланиши керак. |
| 5.5. | Кредитни муддатидан олдин тўлаш | Қарз олувчи кредиторни олдиндан хабардор қилган ҳолда кредитни тўлалигича ёки бир қисмини тўлашга ҳақли. Бунда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш билан боғлиқ кўшимча тўловлар ундирилмайди. Агарда хорижий валютада ажратилган кредит маблағи муддатидан олдин қайтарилган тақдирда, кредит ажратилган хорижий валютада қайтарилади. |
| 6. | КРЕДИТ БЎЙИЧА ФОИЗЛАР | |
| 6.1. | Кредит бўйича фоизлар | Қарз олувчи кредитдан фойдалангани учун кредиторга йиллик {фоиз миқдори, агар фоиз ставкаси либорга боғланган бўлса либор фоизи ва ўзгартириш санаси аниқ кўрсатилади} миқдордаги фоизни тўлайди. |
| 6.2. | Фоизларни ҳисоблаш тартиби | Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар йиллик {фоиз миқдори} миқдоридан кредит тақдим этилган санадан уни тўлиқ тўлашгача бўлган санага қадар кунлик ҳисобланади. Фоизларни ҳисоблашда жорий календар йилида кредитдан фойдаланган ҳақиқий кунлар миқдоридан келиб чиқилади. |
| 6.3. | Фоизларни тўлаш муддатлари | Қарз олувчи томонидан кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлов ҳужжатида асосан тўлов жадвалида кўрсатилган муддатларда тўланади. |
| 6.4. | Кредит фоизини тўлаш валютаси | Қарз олувчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ ажратилган кредит фоизи {валюта тури ёзилади} да қайтарилиши лозим. Агар қарз олувчининг ундириш санасида хорижий валюта маблағи мавжуд бўлмаган тақдирда, ундириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валюта сўмда сўндирилиши мумкин. |
| 7. | ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ | |
| 7.1. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Ажратилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинган қайтариш жадвалига асосан тўлаш. |

| | | |
|------|--|--|
| 7.2. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Қарз олувчи гаров таъминоти юзасидан баҳоловчи ва суғурта компаниясини ўз ихтиёрига асосан танлашга ҳақли. |
| 7.3. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредитор томонидан ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишини таъминлаш, қарз олувчининг кредитни олишга ва ундан фойдаланишга бевосита алоқадор бўлган молиявий ҳисоботлари, шартномалари ва бошқа ҳужжатлари билан кредиторнинг тўсиқсиз равишда танишиши шулар жумласидандир. |
| 7.4. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредиторга тўлов муддати келганда қарз олувчининг барча (ҳар қандай) ҳисобварақларидан олдиндан берилган акцепт билан тўлов ҳужжати (тўлов талабномаси ёки мемориал ордер) орқали шартномадан келиб чиқадиган ҳар қандай мажбуриятларни тўлаш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради (неустойка ҳам шулар жумласидан). Мазкур шарт қарз олувчининг ҳар қандай ҳисобварағидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. |
| 7.5. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Ўзининг мулкчилик ёки эгалик (ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши, таъсисчилар, бошқарув органларидаги таркибий ўзгартиришлар ва бошқалар) шакли ўзгариши, қайта ташкил этилиши ёки фаолиятининг тўхтатилиши, шунингдек, жойлашган манзилининг ўзгариши, фаолият юритиши учун таъсир этувчи лицензия ва бошқа рұхсат берувчи ҳужжатларининг бекор қилинганлиги, амал қилиш муддатлари тугаганлиги, тўхтатилганлиги, қарз олувчи билан алоқа ўрнатишда фойдаланадиган алоқа маълумотлари ҳамда алоқа усулларининг ўзгариши ҳақида кредиторни 10 кун аввал ёзма равишда хабардор қилади. |
| 7.6. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Қарз олувчининг молиявий ёки мол-мулкига оид ҳолатини ёмонлаштирадиган, унинг тўлов қобилиятига таъсир кўрсатадиган фактлар, шунингдек, кўрсатилган ҳолатларни бартараф этиш учун кўрилаётган чоралар ҳақида кредиторни ёзма шаклда зудлик билан хабар бериш. |
| 7.7. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Бегоналаштирилаётган мол-мулк қиймати қарз олувчи активлари баланс қийматининг 25 % дан ортиқ бўлган ва қарз олувчига эгалик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк бошқа шахснинг ихтиёрига ўтаётгани ҳақида кредиторни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиш. |
| 7.8. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредиторни қарз олувчи томонидан очиладиган барча ҳисобварақлари ва бошқа кредит ташкилотларидан жалб қилинаётган кредитлари ҳақида тегишли ҳолат рўй беришидан ва/ёки тегишли ҳаракат амалга оширилишидан 5 иш куни давомида хабардор қилиш. |
| 7.9. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Ҳисоботлар учун қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатда кредиторга баланс манбалари кўрсатилган ва тегишли маълумотномалар билан бирга молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этиш. Кредиторнинг сўровига кўра, |

| | | |
|-------|--|---|
| | | кредитор қарз олувчининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб талаб қилиши мумкин бўлган барча зарур маълумот ва ҳужжатларни, кредит маблағларини мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (шартнома, ҳисоб варақ фактура, юк хати, божхона юк декларацияси ва бошқалар) белгиланган муддатларда кредиторга тақдим этилишини таъминлаш, шунингдек, 5 иш куни давомида кредит ва унга ҳисобланган фоизни вақтида ва тўлалигича тўлашга таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар ҳақида кредитorni билан хабардор қилиш. |
| 7.10. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Учинчи шахсларга шартноманинг мазмуни ва уни бажаришга алоқадор бўлган ҳар қандай маълумотларни ошкор этмаслик, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида бевосита кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. |
| 7.11. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Шартнома имзоланган санадан 5 иш кунидан кечикмасдан { <i>кераксизи истисно қилинсин</i> }: а) { <i>кўчар ёки кўчмас мулк учун</i> } кредиторга зарур ҳужжатларни тақдим этиш (ёки уларни учинчи шахслар томонидан тақдим этилишини таъминлаш); б) Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун гаров/ипотека { <i>кўчар ёки кўчмас мулк</i> } ҳақида шартнома тузиш ёки шартнома тузишни таъминлаш; с) Шартномага асосан қарз олувчи томонидан кредит таъминотига оид барча талабларни бажариш, жумладан, кредит таъминоти сифатида тақдим қилинаётган мол-мулкларни (ёки мулкрий ҳуқуқларни) кредит муддатида суғурта қилиш, гаров шартномаларини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш, ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш ҳамда тақиқ қўйиш ёки таъминот сифатида кафиллик тақдим қилинаётган бўлса, кафиллик шартномаларини қонуний тартибда расмийлаштириш; д) Ипотека шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ҳаракатларни амалга оширишда кредиторга барча зарурий ёрдамни кўрсатиш (барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳам шу жумласидан). |
| 7.12. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредит суммасининг бир юз йигирма беш фоизидан кам бўлмаган қийматдаги ликвидли бўлган таъминот турларини тақдим қилади. Кредитор томонидан мониторинг, ундирув давомида ёки бошқа сабабларга кўра қарз олувчи томонидан тақдим қилинган таъминот кредит мажбуриятларини қоплашга етарли эмас, деб топилган тақдирда, етарлича миқдорда кўшимча таъминот тақдим қилади ҳамда уни тегишли тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди. |
| 7.13. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Шартнома тузилгандан сўнг қарз олувчи томонидан мазкур шартномада кўрсатилган мақсадлар учун кредит маблағлари ўтказилмаган бўлса, қарз олувчининг ёзма мурожати билан |

| | | |
|-----------|--|---|
| | | мазкур шартномага қўшимча келишувга асосан бепул асосда шартнома бекор қилинади. |
| 7.14. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредит ажратиш жараёни юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва қоидалар тўғрисида банк ходимларидан маслаҳатлар олиш, шартномада белгиланган шартлар асосида белгиланган миқдорда кредит маблағини ўз вақтида ажратилишини талаб қилиш, банк томонидан мазкур шартномада кўзда тутилган кредит узрли сабабларсиз ёки кечиктириб ажратилгани учун неустойка тўлашни талаб қилиш, кредит ҳисоб рақамидаги айланмалар тўғрисида маълумотлар олиш. |
| 7.15. | Қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. | Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экологик ва ижтимоий менежмент сиёсати талабларига амал қилиш мажбуриятини олади. |
| 8. | КРЕДИТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ | |
| 8.1. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредитни асоссиз равишда ўз вақтида ажратмаган тақдирда банк тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун қарз олувчига кредитнинг кечиктирилган суммасидан 0,4 фоиз ҳажмида пеня тўлайди. Ҳисобланган жами пеня миқдори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. |
| 8.2. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредитор қарз олувчи томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича гаровда турган мулкни тақиқдан чиқариш ва гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чораларини кўради. |
| 8.3. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредитлаш жараёнида кредитор қарз олувчининг молиявий-ҳўжалик ҳолатини текширишга ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун қабул қилинган гаров предметининг ҳақиқий ҳолатини текширишга ҳақли. |
| 8.4. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредитор шартномада кўрсатилган ҳолатларга ойдинлик киритиш учун қарз олувчидан ҳар қандай маълумотни сўраш, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишини талаб қилиш, шунингдек, бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли. |
| 8.5. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредит таъминотига оид барча талаблар бажарилгач, кредит суммасини ажратади. |
| 8.6. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Тегишли тўлов муддатлари бузилганда, кредитор шартнома бўйича кредит тани, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ва бошқа тўловларни тўлов ҳужжатлари (тўлов талабномаси, мемориал ордер) орқали ундириб олишга ҳақли. Қарз олувчининг олдиндан берилган акцепти шартномага мувофиқ тақдим этилади. |

| | | |
|------|-------------------------------------|---|
| 8.7. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | <p>Кредитор шартнома бўйича қарздорликни тўлаш учун қарз олувчи ҳисобварағига тушган пул маблағларини, шу жумладан, қарз олувчи томонидан (олдиндан берилган акцепт) банкка берилган ваколат асосида ҳисобдан чиқарилган, шунингдек, учинчи шахслар томонидан, шу жумладан, кафиллар томонидан ўтказиб берилган ва тўлов ҳужжатида кўрсатилган тўловнинг мақсадидан қатъи назар қуйидаги навбатда йўналтиришга ҳақли:</p> <ol style="list-style-type: none"> a) Биринчи навбатда – кредиторнинг мажбуриятларни бажаришга сарфланган харажатларини қоплаш; b) Иккинчи навбатда – неустойкалар (жарима, пеня); c) Учинчи навбатда – кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар; d) Тўртинчи навбатда – суд ва ундирув жараёнлари билан боғлиқ харажатлар; e) Бешинчи навбатда- асосий қарз; |
| 8.8. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | <p>Қуйидаги ҳолатлардан бири юз берган тақдирда, линия доирасида кредит тақдим қилишни тўхтади:</p> <ol style="list-style-type: none"> a) Қарз олувчи-принципал мазкур шартнома ҳамда алоҳида шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ ўз вақтида бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганда; b) Қарз олувчи-принципалнинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатувчи муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлганда; c) Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлганда; d) Таъминотининг бозор баҳоси мажбуриятларни камида 125 фоиз коплаши учун етарли бўлмаганда; e) Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги (бунда банк томонидан ажратилган кредит маблағининг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилади); f) Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслиги, белгиланган пул тушумларининг бизнес режа кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги; g) Қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги; h) Банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши; i) Банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши; j) Таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлилигининг пасайиши, бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки қўшимча |

| | | |
|------|-------------------------------------|--|
| | | <p>таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;</p> <p>k) Кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўсқинлик қилиши;</p> <p>l) Банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;</p> <p>m) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;</p> <p>n) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ мартаба бузилиши;</p> <p>o) Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экология талабларининг бузилганлиги;</p> <p>p) Кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган аосий восита, агар кредит шартномасида кредит таъминоти сифатида тақдим этиш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи номига расмийлаштирилгандан сўнг 10 банк иш куни давомида ажратилган кредит маблағи таъминоти сифатида гаров шартномаси асосида гаровга қўйилмаслиги.</p> <p>q) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки суд томонидан банк лицензияси чақириб олинганда, айрим банк операциялари тўхтатилганда, лицензия амал қилиши вақтинча тўхтатилиши оқибатида вазиятнинг жиддий ўзгариши натижасида.</p> |
| 8.9. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | <p>Кредитор қуйидаги ҳолларда қарз олувчидан бир томонлама тартибда кредитнинг бутун ёки қисман суммасини муддатидан аввал қайтаришни талаб қилишга ҳақли, қарз олувчи эса кредиторнинг талабларини муддатидан аввал бажаришга ва кредит суммасини қайтариш, кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни ва шартномада кўзда тутилган бошқа тўлов ва неустойкаларни тўлашга мажбур. Бунда қарз олувчи томонидан мажбуриятларни бажариш муддати кечиктирилса, кредитор ушбу талабларни кафил (кафилларга) тақдим этиш, шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулкни ундиришга қаратишга ҳақли.</p> <p>a) Муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги ва кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни муддатида тўламаслик;</p> <p>b) Қарз олувчи молиявий ҳолатининг ёмонлашиши ва/ёки ҳисобварағи хатланган (арест) ҳолатлари мавжуд бўлса ва/ёки тегишли давлат идоралари томонидан қарз олувчининг ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг</p> |

| | | |
|-------|-------------------------------------|---|
| | | <p>тўхтатилиши ёки бошқа чекловлар (шу жумладан жорий валюта ҳисобварақлари бўйича ҳам);</p> <p>c) Кредит маблағларининг мақсадли ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ушбу ҳужжатлар расмийлаштирилган санадан 10 кун муддат ичида кредиторга тақдим этилмаса;</p> <p>d) Ажратилган кредит маблағларидан мақсадсиз/қисман мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланса;</p> <p>e) Қарз олувчи томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилгани аниқланганда, молиявий-бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар ҳам шулар жумласидан;</p> <p>f) Қарздорликни бевосита ёхуд билвосита тўламасликка олиб келувчи бошқа ҳар қандай омиллар;</p> <p>g) Қарз олувчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги;</p> <p>h) Қарз олувчи томонидан шартномада кўрсатилган тасдиқлаш ва кафолатларнинг бузилиши;</p> <p>i) Қиймати қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятлари бажарилишини таҳдид остига қўядиган пул маблағини тўлашга оид ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъво қарз олувчига тақдим этилганда;</p> <p>j) Қарз олувчининг мажбуриятларини таъминлаш учун тузилган шартномалар бўйича таъминот ҳолати, сифати ва/ёки кафил молиявий ҳолатининг ёмонлашиши.</p> <p>k) Қарз олувчи томонидан кредит маблағларини шартнома шартларига зид равишда мақсадсиз ишлатилган бўлса (мақсадсиз ишлатилган қисмига нисбатан);</p> |
| 8.10. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Қарз олувчи шартномада белгиланган муддатда қарз суммасини муддатида қайтаришга қодир эмаслигидан аниқ-равшан далолат берувчи ҳолатлар аниқланганда, кредитор кредитни тақдим этиш мажбуриятидан воз кечишга ҳақли. |
| 8.11. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, кредитор қарз олувчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календар куни давомида қарз олувчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида (тақдим этилган сўндириш жадвалидан келиб чиққан ҳолда) хабар беради. |
| 8.12. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, кредитор кредит шартномасида назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини истеъмолчига етказишга ҳақли. |

| | | |
|------------|---|--|
| 8.13. | Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари | Қарз олувчи – якка тартибдаги тадбиркорнинг ўлимида ёки қарз олувчи – юридик шахснинг қайта тузилишида кредитор қарз олувчининг ҳуқуқий ворисидан кредит суммасини муддатидан олдин қайтариш ва ҳисобланган фоизларни тўлаш ҳамда бошқа тўловларни амалга оширишни талаб қилишга ҳақли. |
| 9. | ҚАРЗ ОЛУВЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ | |
| 9.1. | Қарз олувчи мажбуриятларини нг бажарилишини таъминлаш | Шартнома доирасида келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш учун мазкур шартноманинг 3.8-бандида қайд этилган таъминотларни тақдим этиш ёки тақдим этилиши юзасидан битимлар тузилишини таъминлаш. |
| 9.2. | Қарз олувчи мажбуриятларини нг бажарилишини таъминлаш | Кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланганлиги аниқланса, мақсадсиз ишлатилган кредит маблағи суммасига нисбатан 25 фоиз миқдорида бир марталик жарима тўлайди. Қарз олувчи томонидан олинган кредит қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда тўланмаган тақдирда, тўлов муддати ўтган кундан бошлаб, муддати ўтган кредит суммага нисбатан белгиланган фоиз ставкаси 1,5 (бир бутун ўндан беш) баробарга оширилган ҳолда ҳисоблаб ундирилади. Қарз олувчи кредит тўловларини ўз вақтида тўламаган ҳамда улар юзасидан муддати ўтган қарзлар юзага келган ҳолларда тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун банкка муддати ўтган кредит қарздорлигига нисбатан 0,1 фоиз, муддати ўтган фоиз тўловларига нисбатан 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Пеня қарз олувчи томонидан муддати ўтказиб юборилган суммадан тўлов амалга оширилиши керак бўлган кундан, қарз олувчи томонидан муддати ўтган мажбурият бажарилгунга қадар ҳисобланади. Ҳисобланган жами пеня миқдори бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. |
| 9.3. | Қарз олувчи мажбуриятларини нг бажарилишини таъминлаш | Неустойкаларни тўлаш талаби бўйича кредитор унга зарар етказилганини исботлаши шарт эмас. |
| 9.4. | Қарз олувчи мажбуриятларини нг бажарилишини таъминлаш | Шартномада кўзда тутилган неустойкалар ва бошқа тўловларни ундиришни кредитор қарз олувчининг кредиторда ва бошқа кредит ташкилотларида очилган ҳар қандай ҳисобварағига тўлов талабномасини қўйиш асосида пул маблағларини ҳисобдан чиқариш орқали амалга оширишга ҳақли. Қўйилган талабнома мазкур шартномага асосан қарз олувчи томонидан акцептланган ҳисобланади. |
| 10. | ШАРТНОМА БЎЙИЧА ҲУҚУҚЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ | |
| 10.1. | Кредитор томонидан Шартнома бўйича талаб қилиш | Кредитор шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқларидан тўлалигича ёки қисман учинчи шахслар фойдасига қарз олувчининг розилиги билан кечиши мумкин. Кредит бўйича талаб қилиш ҳуқуқларидан воз кечилган ҳолда учинчи |

| | | |
|------------|---|---|
| | хуқуқларидан воз кечиш | шахсларга, юридик ва молиявий маслаҳатчиларга банк сирини ташкил қиладиган тегишли шартномалар асосида хизмат кўрсатадиган ва олинган маълумотларни сир сақлаши бу шартномаларда акс эттирилган бўлса ҳам қарз олувчи ҳақида ва унинг операциялари тўғрисида маълумотларни тақдим этишга ҳақли. |
| 10.2. | Қарз олувчи томонидан Шартнома бўйича хуқуқ ва мажбуриятлардан воз кечиш | Қарз олувчи кредитор билан келишмаган ҳолда ўз хуқуқларидан воз кечиш ва шартнома бўйича мажбуриятларини қандай шаклда бўлмасин учинчи шахсларга топширишга, ўтказишга ҳақли эмас. |
| 11. | БОШҚА ШАРТЛАР | |
| 11.1. | Маълумотларни тақдим этиш | Қарз олувчининг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида қарз олувчи томонидан берилган ариза ва унга кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда қарз олувчининг талаби билан бир иш куни ичида кредит шартномаси бўйича қарз олувчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. |
| 11.2. | Коррупцияга қарши курашиш | Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда иккинчи томоннинг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар таклиф қилиши, бериши, тақдим этиши тақиқланади. |
| 11.3. | Коррупцияга қарши курашиш | Томонлар, уларнинг аффилиланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари ушбу шартнома шартларини бажаришда қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бевосита ёки билвосита пул маблағлари, қимматликлар ёки хизматлар тақдим этиш бўйича таклифини рад қилиши лозим. |
| 11.4. | Коррупцияга қарши курашиш | Агар шартнома иштирокчиларида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ коррупцион ҳаракат содир этилганилиги тўғрисида маълумот, шубҳа, шубҳага асос бўлувчи далилга эга бўлса, бу тўғрисида иккинчи томонга ёзма шаклда хабар бериш мажбуриятини олади. |
| 11.5. | Коррупцияга қарши курашиш | Хабарни олган томон ҳақиқатда коррупцион ҳаракат содир этилмаганлигини ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиққа эга бўлгунича ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. |
| 11.6. | Коррупцияга қарши курашиш | Пора бериш эвазига иккинчи томон вакилини, аффилиланган шахсини, ходимини ёки шартноманинг бошқа иштирокчиларини шартнома шартларини бажаришда ўзига оғдириб олган томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади. |

| | | |
|--------|---|---|
| 11.7. | Харажатларни тўлаш | Қарз олувчи кредит мажбуриятларини бажаришни таъминлаш учун қилинган барча харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади. |
| 11.8. | Харажатларни қоплаш | Мажбуриятларини бузган тараф шартномада кўзда тутилган жавобгарликка қўшимча равишда бошқа тарафга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. |
| 11.9. | Қарз олувчининг жавобгарлиги | Қарз олувчи шартнома бўйича пул мажбуриятлари лозим даражада бажарилишига барча мол-мулки, активлари ва қарз олувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаганида ҳақиқий қарздорлик суммасини ундириш қаратилиши мумкин бўлган банклардаги ҳамма ҳисобварақларидаги маблағлари, шунингдек, шартнома бажарилиши билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан суд ва бошқа харажатлар учун жавобгар бўлишини тасдиқлайди ва кафолат беради. |
| 11.10. | Кредит таъминоти сифатида турар жой тақдим этилиши | Гаров предмети сифатида тақдим этилган бирдан-бир турар жой фақат суд тартибида ундирилади ва у оммавий савдолар орқали реализация қилинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно). |
| 11.11. | Шартнома нусхалари | Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси банкда, иккинчи нусхаси қарз олувчида сақланади. Қарз олувчи ёки унинг ваколатли вакилига кредит шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини тақдим этилади. |
| 11.12. | Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | Шартномага киритилаётган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги келишувни тузиш орқали расмийлаштирилади. |
| 11.13. | Шартномани жиддий бузиш ва шартномани муддатидан олдин бекор қилиш асослари | <p>Қарз олувчи томонидан қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаса биттасига йўл қўйилган тақдирда шартномани жиддий бузиш деб ҳисобланади ва бунда банк шартномани муддатидан олдин бекор қилиши ҳамда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олиши мумкин:</p> <ol style="list-style-type: none"> Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги (бунда банк томонидан ажратилган кредит маблағининг мақсадсиз ишлатилган қисми муддатидан олдин қайтарилади); Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслиги, белгиланган пул тушумларининг бизнес режа кўрсаткичларига мувофиқ эмаслиги; Қарз олувчи ёки кафилнинг молиявий ҳолати ёмонлашганлиги; Банк розилигисиз учинчи шахсларга кафиллик ёки кафолат берилиши; Банк розилигисиз бошқа банк ёки хўжалик юритувчи субъектлардан қарз ва бошқа мажбуриятларнинг олиниши; Таъминот ҳолатининг ёмонлашиши, унинг ўғриланиши, талон-торож қилиниши, ликвидлигининг пасайиши, |

| | | |
|--------|--|--|
| | | <p>бозор конъюктураси нархларининг камида 25 фоизга пасайиб кетиши ёки бошқача ҳолатлар натижасида кредит таъминланмай қолиш хавфининг вужудга келиши, башарти таъминотни ўзгартириш ёки кўшимча таъминот тақдим этиш бўйича банк талабининг бажарилмаслиги;</p> <p>g) Кредит мониторингидан бўйин товлашлик ёки банк ходимлари (жалб қилинган мутахассислар)ни мониторинг ўтказишига ҳар қандай усуллар билан тўскинлик қилиши;</p> <p>h) Банкка ушбу шартномада назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслиги ёки ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тақдим этилиши;</p> <p>i) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилиши;</p> <p>j) Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мунтазам равишда кечиктириб тўланиши, яъни ўн икки ой давомида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайтариш жадвалида қайд этилган тўлов муддатини уч ва ундан ортиқ мартаба бузилиши;</p> <p>k) Кредитланаётган фаолиятни амалга оширилиши жараёнида экология талабларининг бузилганлиги;</p> <p>l) Кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган аосий восита, агар кредит шартномасида кредит таъминоти сифатида тақдим этиш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи номига расмийлаштирилгандан сўнг 10 банк иш куни давомида ажратилган кредит маблағи таъминоти сифатида гаров шартномаси асосида гаровга қўйилмаслиги.</p> |
| 11.14. | Таваккалчилик | Қарз олувчининг хорижий валютада кредит олишга бўлган танлови ва бундай танловга кўра хорижий валюта курсининг ўзгариши натижасида хорижий валютада олинган кредит бўйича миллий валютадаги қарз юкининг ошиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган оқибатлар, ушбу қарз олувчининг таваккалчилиги ҳисобланади. |
| 11.15. | Тарафлар томонидан жўнатиладиган хабарнома ва хатлар | Тарафлар томонидан бир-бирига жўнатиладиган ҳар қандай хабарнома, талабнома ёки бошқа хатлар ёзма шаклда амалга оширилиши шарт. Бундай хабарнома, талабнома ёки хат почта, хабарномани олганини тасдиқловчи буюртма хат, факс, электрон манзил орқали почта ва электрон манзилга ёки шартномада кўрсатилган факс рақамига йўлланган хабарномалар лозим даражада жўнатилган деб ҳисобланади. Почта хабари/хати почтадан кўрсатилган манзилда олувчи шахс йўқлиги туфайли белгиси билан қайтарилган ҳолларда ҳам жўнатилган, деб ҳисобланади. |
| 11.16. | Махфийлик | Шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади. |

| | | |
|--------|------------|---|
| | | <p>Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.</p> <p>Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил давомида амал қилади.</p> <p>Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.</p> <p>Кредитор ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари ёки уларни ҳимоя қилиш мақсадида қарз олувчи кредиторга қарз олувчи тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этиш (топшириш) учун сўзсиз розилигини билдирган ҳисобланади.</p> <p>Қарз олувчи кредиторга шартномада кўрсатилган ёки шартнома тузилиши ва бажарилишида кредиторга тақдим этилган қарз олувчининг барча маълумотлари билан ишлаш ва топширишга мазкур шартномага асосан розилигини тасдиқлайди. Шу жумладан, шартнома бўйича ҳуқуқий ворислик тартибида кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтганда, уларни учинчи шахсга топширишга ҳам розилик беради. Кафил ва ёки мулкӣ кафил бундай маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш қарз олувчининг қонун билан муҳофаза қилинадиган банк ва бошқа сирларининг бузилиши бўлиб ҳисобланмаслигига мазкур шартномага биноан розилигини билдирган ҳисобланади.</p> |
| 11.17. | Форс-Мажор | <p>Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.</p> <p>форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд</p> |

| | | |
|--|--|---|
| | | <p>бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (смс ва ттс хабарлари бундан мустасно).</p> <p>Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.</p> <p>Юзага келган форс-мажор ҳолатлари бартараф бўлгандан сўнг, мазкур шартнома шартлари тўлиқ ўз кучига эга бўлади.</p> |
| 11.18. | Низоларни ҳал этиш тартиби | <p>Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.</p> <p>Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатиға иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатиға кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.</p> <p>Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафға шахсан топшириш, электрон почта манзилиға юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалға оширилади.</p> <p>Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.</p> |
| 11.19. | Қўлланиладиган ҳуқуқ ва уни қўллаш | Шартнома бажарилишида тарафлар мазкур шартнома шартларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига таянишади. |
| 12. | ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ | |
| 12.1. | Шартноманинг амал қилиш муддати | Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучға қиради ва тарафлар томонидан мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунға қадар амал қилади. |
| 13. | ТАРАФЛАРНИНГ ҚАЙД ЭТИШ МАЪЛУМОТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ | |
| 13.1. | Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари | Тарафларнинг қайд этиш маълумотлари ва имзолари |
| Кредитор | | Қарз олувчи |
| <p>Манзили _____</p> <p>МФО _____ ИНН _____</p> <p>х\р _____</p> <p>Банк _____</p> <p>Телефон _____</p> <p>Алоқа маркази 0 800 1 200 200</p> <p>E-mail: contact@hamkorbank.uz</p> <p>Банк вакили _____</p> <p style="text-align: center;">М.Ў.</p> | | <p>Манзили _____</p> <p>МФО _____ ИНН _____</p> <p>х\р _____</p> <p>Банк _____</p> <p>Телефон _____</p> <p>Раҳбари _____</p> <p>Бош ҳисобчиси _____</p> |